

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИХАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ
РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06. 2017.GM/T.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ**

ҚАРШИЕВ ОДАШ АБДУГАФФОРОВИЧ

**БУХОРО-ХИВА ҲУДУДИ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ҚИСМИДАГИ
УГЛЕВОДОРОД РЕСУРСЛАРИ БАЗАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА
КАРБОНАТ ВА ТУЗ-АНГИДРИТ ФОРМАЦИЯЛАРИ СТРУКТУРА
ПЛАНЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

04.00.07 - Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қаршиев Одаш Абдугаффорович

Бухоро-Хива худуди жануби-шарқий қисмидаги углеводород ресурслари базасининг шаклланишида карбонат ва туз-ангидрит формациялари структура планларининг таъсири 3

Қаршиев Одаш Абдугаффорович

Влияние структурных планов карбонатной и соляно-ангидритовой формации на формирование ресурсной базы углеводородов в юго-восточной части Бухаро-Хивинского региона 21

Karshiev Odash Abdugafforovich

Influence of structural carbonate and salt-anhydrite formation plans on the formation of the resource base of hydrocarbons in the south-eastern part of the Bukhara-Khiva region 39

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 43
List of published works

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИХАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ
РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06. 2017.GM/T.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ**

ҚАРШИЕВ ОДАШ АБДУГАФФОРОВИЧ

**БУХОРО-ХИВА ҲУДУДИ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ҚИСМИДАГИ
УГЛЕВОДОРОД РЕСУРСЛАРИ БАЗАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА
КАРБОНАТ ВА ТУЗ-АНГИДРИТ ФОРМАЦИЯЛАРИ СТРУКТУРА
ПЛАНЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

04.00.07 - Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/GM22 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ing.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) тармоғида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдуллаев Ғайбулла Сайфуллаевич геология-минералогия фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ахунджанов Раҳмаджан геология-минералогия фанлари доктори Ханнанов Марс Талгатович геология-минералогия фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	«Ўзбекгеофизика» АЖ

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Ўзбекистон нефть-газ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти, Тошкент давлат техника университети ва И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали ҳузуридаги DSc 27.06.2017.GM/T.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «28» май соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15; e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3952 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15; e-mail: igirnigm@ing.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил « 07 » май куни тарқатилди.

(2019 йил « 22 » апрелдаги 21- рақамли реестр баённомаси).

Ю.И. Иргашев

Илмий даражалар бериш бўйича Илмий
кенгаш раиси, г-м.ф.д., профессор

М.Г. Юлдашева

Илмий даражалар бериш бўйича Илмий
кенгаш илмий котиби, г.м.ф.н.

Ф.Г. Долгополов

Илмий даражалар бериш бўйича Илмий кенгаш
ҳузуридаги Илмий семинар раиси, г-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва заруряти. Дунёда ҳозирги вақтда геология қидирув соҳасининг асосий вазифаси нефть ва газ қазиб чиқариш саноатини хом ашё билан таъминлаш учун углеводород захираларини ошириш ҳисобланади. Дунёнинг ҳар бир мамлакатада иқтисодиётнинг ривожланиши доимий равишда энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобига ортиб боради, бу эса углеводород хом ашёси базасининг камайишига олиб келади. Бу ўринда, карбонат ва туз-ангидрит формациялари структура планларини нефть ва газ уюмларини тузилиши ва шаклланишига таъсирини ўрганиш углеводород ресурсларини ўстириш учун асосий вазифаларидан бирига айланган.

Дунёда углеводород хом ашёси захираларини ўстириш мақсадида нефть ва газ конларини геологик моделларини аниқлаштириш ва қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун ишлаб чиқилган турли йўналишлар, яъни ер қобиғининг камроқ зичлашган карбонат жинсларидан иборат чўкинди қатламидаги чуқур горизонтларини ўзлаштириш; УВ захиралари ўсишини таъминлаш мақсадида нефтьгазли формациялар структура планларини аниқлаштириш; геология қидирув ишлари самарадорлигини ошириш учун излов-қидирув ишлари услубини такомиллаштириш муаммонинг долзарблигини акс эттиради.

Республикамизда энергетикага бўлган мустақилликни таъминлаш ва нефтьгаз саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда режали ва босқичма-босқич ривожланиш, янги техника ва технологияларни қўллаш ҳисобига ҳар йили Республикамизнинг углеводород ресурслари базасини ўсиши таъминланмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожланишига қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, конларнинг геологик тузилиш хусусиятларини ва юра карбонат формациясида углеводород уюмларини тарқалиши схемасини ҳисобга олган ҳолда янги геологик моделларини тузиш, шунингдек углеводород хомашё базасини ўсишини таъминлайдиган нефть ва газ учун геология қидирув ишларининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2822-сон «2017-2021 йилларда углеводород хом ашё захираларини қазиб олишни кўпайтириш Дастури», 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3372-сон «2017-2021 йилларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

«Ўзбекнефтегаз» АЖ бўйича минерал ресурслар базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шу кунгача бажарилган сейсморазведка ишлари ва чуқур бурғулаш натижасида Бухоро-Хива худудининг (БХХ) жануби-шарқий қисмини чуқур геологик тузилиши ўрганилган. БХХнинг жануби-шарқий қисмидаги юра ётқизикларининг геологик тузилиши ва нефтгазлилиги А.М. Акромхўжаев, М.Х. Арифджанов, В.П. Алексеев, Ғ.С. Абдуллаев, П.У. Ахмедов, А.А. Абидов, А.А. Бакиров, А.Г. Бабаев, Т.Л. Бабаджанов, Р.А. Габрильян, Ш.Д. Давлятов, Ф.Г. Долгополов, Г.Б. Евсеева, С.Н. Зуев, З.С. Ибрагимов, А.Г. Ибрагимов, Х.К. Исматуллаев, В.Д. Ильин, Ю.В. Каеш, А.В. Киршин, Х.Х. Миркамалов, А.К. Мальцева, Т.Д. Мамадалиев, Ф.Э. Меглиев, А.Х. Нугманов, С. Р. Рамазанов, Т.С. Раубходжаева, Ю.В. Станкевич, К.А. Сотириади, Б.Б. Ситдиқов, С.К. Салямова, Л.Н. Сафонова, Б.Б. Таль-Вирский, В.И. Троицкий, З.С. Убайходжаева, А.Р. Ходжаев, М.Э. Эгамбердиев ва бошқа кўплаб олимларнинг тадқиқот объекти бўлган. Бу тадқиқотларнинг асосий натижалари сифатида бу регионда юра карбонат формациясини саноат аҳамиятига эга нефтгазлилигини биринчилардан бўлиб тасдиқлаган Шўртан, Қамаш, Бешкент ва Гирсан каби газконденсат конларининг очилиши бўлди.

Умуман, ўрганилаётган районда бажарилган турли геологик ва геофизик ишлар натижасида унинг геологик тузилиши ўрганилган, нефтгазли мажмуалар ажратилган ва юра даврининг карбонат формациясида 40 дан ортиқ углеводород конлари очилган. Деярли барча аниқланган конлар шимолий-шарқ йўналишидаги тектоник узилмалар билан боғлиқ.

Чўлқувар, Қамаш, Бешкент, Шимолий Нишан, Чароғон, Чоргумбаз каби структуралар излов бурғилашига тайёрланганда шимолий қисми тектоник узилмалар билан мураккаблашган шимолий-шарқ йўналишидаги антиклинал структура сифатида қабул қилинган. Бурғилаш маълумотлари эса Чўлқувар, Бешкент, Шимолий Нишон, Зафар, Эрназар ва Таваккал конларида маҳсулдор горизонт узилма томонга моноклинал кўтарилганлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, карбонат ва туз-ангидрит формациялари геологик тузилиши ва улардаги узилмали бузилишларнинг углеводород уюмларини шаклланишига таъсири етарлича ўрганилмаганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга, қатор ўрганилаётган майдонлар ва алоҳида объектлар структура

планлари мавҳумлиги сақланиб қолмоқда. Натижада ҳозирги кундаги мавжуд аниқланган структуралар фонди билан нефт ва газ конлари заҳиралари ўсишини таъминлашда муаммолар кузатиляпти.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 1-08. «Ўзбекистон нефть ва газли ҳудудларида нефть ва газ учун бажарилаётган излов ва қидирув ишларининг тезкор таҳлили (Бухоро-Хива ҳудуди)» (2008-2009), 67-15. «Ўзбекистон Республикасида нефть ва газ учун геология қидирув ишларининг ўрта ва узоқ муддатли Дастурларини ишлаб чиқиш» (2015), «Ўзбекистон Республикасининг 2015, 2016, 2017 йиллар учун геология қидирув ишларини бажариш Дастурини ишлаб чиқиш» (2015-2017), 9-17. «Бухоро-Хива ҳудудида чуқур бурғилашга тайёрлаш учун янги объектларни аниқлаш мақсадида геологик ва геофизик маълумотларни умумий таҳлили» (2017-2018), 1-16. ««Ўзгеобурғинефтьгаз» АЖ тасарруфидаги 01.01.2016 йилдан 31.12.2016 йилгача муддатда янги очилган ва қидирув ишлари давом этаётган конларнинг нефть, газ ва конденсат заҳираларини тезкор тарзда ҳисоблаш, нефть, газ ва конденсат заҳиралари балансини юритиш» (2016), 1-17 ««Ўзгеобурғинефтьгаз» АЖ тасарруфидаги 01.01.2017 йилдан 31.12.2017 йилгача муддатда янги очилган ва қидирув ишлари давом этаётган конларнинг нефть, газ ва конденсат заҳираларини тезкор тарзда ҳисоблаш, нефть, газ ва конденсат заҳиралари балансини юритиш» (2017) 1-18. ««Ўзбекнефтьгаз» АЖ тасарруфидаги 01.01.2016 йилдан 31.12.2016 йилгача муддатда янги очилган ва қидирув ишлари давом этаётган конларнинг нефть, газ ва конденсат заҳираларини тезкор тарзда ҳисоблаш, нефть, газ ва конденсат заҳиралари балансини юритиш» (2018) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро-Хива ҳудуди жануби-шарқий қисмидаги карбонат ва туз-ангидрит формациялари структура планларининг хусусиятлари ва уларни нефть ва газ уюмларини жойлашишидаги таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳсулдор карбонат қатламини ўрганилганлик даражасини аниқлаш ва углеводород уюмлари моделларини аниқлаштириш;

тўсиқ сифатига эга узилмалар ва турли фазовий ҳолатдаги углеводород уюмларини ўзида сақлаган маҳсулдор тутқичлар орасидаги боғлиқликни аниқлаш;

Бухоро-Хива ҳудудининг жануби-шарқий қисмини карбонат формацияси структура планини ишлаб чиқиш;

Бухоро-Хива ҳудудининг жануби-шарқий қисмини туз-ангидрит формацияси қуйи ангидрит қатлами юзасининг структура планини ишлаб чиқиш;

янги олинган геологик ва геофизик маълумотлар асосида алоҳида конларнинг янги геологик моделларини ишлаб чиқиш;

Бухоро-Хива худудининг жануби-шарқий қисмидаги юра карбонат формациясида углеводород уюмларини жойлашиш схемасини ишлаб чиқиш;
нефть ва газ уюмларини излаш ва қидириш учун, келажакда углеводород захираларини ўсишини таъминлайдиган биринчи навбатдаги объектларни ажратиш;

нефть ва газ учун геология қидирув ишларининг кейинги йўналишларини асослаш ва аниқ структуралар ва алоҳида зоналар учун геофизик усулларда структураларни чуқур бурғилашга тайёрлаш мақсадида излов ишларини ўтказишга тавсиялар ишлаб чиқиш;

нефть ва газ учун излов ва қидирув ишлари йўналишлари ва нефтгазлилиқ истиқболлари харитасини тузиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро-Хива худудининг жануби-шарқий қисмидаги юра даври карбонат ва туз-ангидрит формациялари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети Бухоро-Хива худудининг жануби-шарқидagi юра даври туз-ангидрит ва карбонат формацияларини углеводород ресурслари базасини баҳолашни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда геологик ва геофизик тадқиқотлар маълумотларини комплекс таҳлили, биринчи навбатда бурғилаш, қудукларни геофизик усулларда ўрганиш ва сейсморазведка усуллари, шунингдек, башорат қилинаётган уюмлар геологик моделларини аниқлаш учун структура хариталари ва геологик кесимларини тузиш каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

карбонат ва туз-ангидрит формациясининг қуйи қисмида углеводород захираларини оширишга имкон берувчи шимолий-шарқ йўналишдаги регионал узилмаларга тегишли бурмаларнинг носимметрик чўққилари мавжудлиги исботланган;

тектоник тўсилган уюмларни очишга истиқболли худудларни ажратиш имконини берадиган шимолий-шарқ йўналишдаги регионал узилмалар тизими ва улар билан боғлиқ бўлган карбонат ва туз-ангидрит формацияларини структура планлари асосланган;

депрессион ётқизиклар тарқалган худудларда нефть захираларини оширишга имкон берадиган «устрица-аммонитли горизонт»нинг саноат аҳамиятига эга нефтлилиги исботланган;

турли фазовий ҳолатдаги углеводород уюмларини башорат қилишга имконият берадиган истиқболли зоналарни газ, нефтгаз ва нефть уюмларини жойлашиш схемаси ёрдамида ажратиш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

карбонат ва туз-ангидрит формацияларининг геологик тузилиши хусусиятлари ва шимолий-шарқ йўналишидаги регионал узилмалар кўтарилган блокларининг нефть ва газга истиқболлилиги аниқланган;

янги тузилган геологик моделлар асосида Чўлқувар, Қамаш, Қирқкулоч ва бошқа конларда углеводород захиралари ўсиши баҳоланган;

нефть ва газ конларини излаш ва қидириш усули такомиллаштирилган ва тектоник тўсиқли ва гуруҳли тутқичлар билан боғлиқ углеводород уюмларини аниқлаш имконияти исботланган;

хар хил турдаги углеводород уюмларини очишга истиқболли участкаларни ажратган ҳолда нефтьгазга истиқболлилик харитаси ишлаб чиқилган ҳамда кейинги излов ва қидирув ишларининг йўналишлари асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган сейсморазведка маълумотлари, юра даври карбонат ётқизиқларини очган 350 дан ортиқ қудуқларни бурғилаш ва уларда бажарилган геофизик тадқиқотлар натижаларида тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юра карбонат формациясининг геологик тузилишини ва ундаги нефть ва газ уюмларини жойлашиш хусусиятларини аниқлаш, геология қидирув ишлари услубларини такомиллаштириш ва натижада уни самародорлигини ошириш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти геология қидирув жараёнига янги уюмларни (тектоник тўсиқли ва гуруҳли тутқичлар билан боғлиқ) очишга истиқболли участкалар ва илгари очилган углеводород конларини қайтадан разведкага тавсия қилиш ва натижада янги нефть ва газ конларини очиш, Ўзбекистон Республикаси углеводород ресурслари базасини кўпайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро-Хива худуди жануби-шарқий қисмидаги карбонат ва туз-ангидрит формациялари структура планларининг таъсири бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Охирбулок, Чўлқувар ва Қирққулоч конларида излов ва қидирув қудуқларини жойлаштириш тавсияси «Ўзгеобурғинефтьгаз» АҚда амалётга жорий қилинган («Ўзбекнефтьгаз» АЖ нинг 2018 йил 27 декабрдаги 02-14/1-111-сон маълумотномаси). Натижада ўрта ва юқори юра даври карбонат формациясининг регионал маҳсулдорлиги тасдиқланган, маҳсулдорлик чегарасини кенгайтириш ва углеводород хомашёси захираларини ўстириш имконини берган;

Чўлқувар конида геокимёвий кўрсаткичлар бўйича углеводород уюмлари турини баҳолаш тавсияси «Ўзгеобурғинефтьгаз» АҚда амалётга жорий қилинган («Ўзбекнефтьгаз» АЖ нинг 2018 йил 27 декабрдаги 02-14/1-111-сон маълумотномаси). Натижада юра даври ётқизиқларининг XV горизонтида нефть уюмини аниқлаш имконини берган;

Бешкент эгиклигининг шимоли-ғарбий қисми ва Култак кўтарилмасининг шарқ, шимоли-шарқий қисмларида муфассал сейсморазведка ишларини ўтказиш тавсияси «Ўзбекгеофизика» АЖда амалётга жорий қилинган («Ўзбекнефтьгаз» АЖ нинг 2018 йил 27 декабрдаги

02-14/1-111-сон маълумотномаси). Натижада янги нефть ва газга истиқболли объектларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иши чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 7 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми жами 141 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бухоро-Хива ҳудуди жануби-шарқий қисмидаги карбонат ва туз-ангидрит формацияларини ўрганиш тарихи**» деб номланган биринчи бобида Бухоро-Хива ҳудуди жануби-шарқий қисмининг геологик, геофизик ўрганилганлиги ва углеводород ресурслари базасининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Карбонат ва туз-ангидрит формацияларининг геологик жиҳатдан ўрганилганлиги, асосий тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлар қисқача келтирилган. Бухоро Хива ҳудуди жануби-шарқий қисмининг юра ётқизиклари геологик тузилишини ўрганиш билан А. М. Ақромхўжаев, М.Х. Арифджанов, В.П. Алексеев, Ғ.С. Абдуллаев, П.У. Аҳмедов, А.А. Абидов, А.А. Бакиров, А.Г. Бабаев, Т.Л. Бабаджанов, Р.А. Габрильян, Ш.Д. Давлятов, Ф.Г. Долгополов, Г.Б. Евсеева, С.Н. Зуев, З.С. Ибрагимов, А.Г. Ибрагимов, Х.К. Исматуллаев, В.Д. Ильин, Ю.В. Каеш, А.В. Киршин, Х.Х. Миркамалов, А.К. Мальцева, Т.Д. Мамадалиев, Ф.Э. Меглиев, А.Х. Нугманов, С. Р. Рамазанов, Т.С. Раубходжаева, Ю.В. Станкевич, К.А. Сотириади, Б.Б. Ситдиқов, С.К. Салямова, Л.Н. Сафонова, Б.Б. Таль-Вирский, В.И. Троицкий, З.С. Убайходжаева, А.Р. Ходжаев, М.Э.Эгамбердиев ва бошқа кўплаб олимлар шуғулланишган.

О.С. Вялов, С.И. Ильин, Г.Я. Мейгер ва П.И. Михайлицкий 1947 йилда Бухоро ва Қарши территориясидаги структураларнинг геологик тузилиши ҳақидаги биринчи умумлаштирилган ҳисоботни нашр қилишган.

Бухоро-Хива ҳудуди жануби-шарқида 1950 йилдан бошлаб геофизик усуллар билан муҳасаммалашган тузилмани ва чуқур қидирув бурғулашни қўллаган ҳолда геологик тузилишини ўрганиш бўйича режалар геологик тадқиқотлар бошланган.

Бухоро-Хива ҳудудида риф билан боғлиқ юра даври оҳактош ётқизиклари мавжудлигини 1961 йилда, биринчи бўлиб, В.Д. Ильин ва бошқалар кери бўйича исботлаган. Кейинчалик бошқа органоген структуралар бўйича ҳам материаллар тўплангандан сўнг, кўпчилик бошқа тадқиқотчилар ҳам риф концепциясини қабул қилдилар. В.Д. Ильин, А.Г. Ибрагимов, Н.К. Фортунатова ва бошқалар (1976) Бухоро-Хива ҳудудида Ҳисор тоғларининг жанубий-ғарб тизмаларидаги каби ҳар хил ёшдаги учта тўсиқ рифлари зоналарини ажратди. Ўрганилаётган ҳудудда бажарилган катта ҳажмдаги геологик ва геофизик тадқиқотлар, тузилмани, излов ва қидирув қудуқларини бурғулаш натижасида юра карбонат ётқизикларининг регионал миқёсда маҳсулдорлиги исботланган.

Ўрганилаётган районнинг геофизик усуллар билан ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам жамланган. Геология қидирув ишларининг дастлабки босқичида, асосий усуллар сифатида магниторазведка, электроразведка ва гравиразведка ишлари қўлланилган. Бухоро-Хива ҳудуди пойдевори тузилишининг қонуниятлари бу ҳудуднинг аэромагнит съёмкаси билан тўлиқ қамраб олинган туфайли аниқланган. Магниторазведка маълумотлари бўйича карбонат ётқизиклари уларда газ уюмлари мавжудлиги ёки маҳсулдор бўлмаган антиклинал структуралигидан қатъий назар локал минимумга эга магнит майдони билан тавсифланиши исботланган. Электроразведка ишларини ўтказишнинг биринчи босқичида, бу усул структура шаклини аниқлаш вазифасини бажарган бўлса, 1970 йилдан бошлаб эса, юра карбонат ётқизикларидаги нефтгазга истиқболли зоналарни бевосита башорат қилиш мақсадида қўлланила бошланди.

Бухоро-Хива ҳудуди тўлиқ 1:200 000 миқёсдаги гравиметрик съёмка билан қамраб олинган. Юқори аниқликдаги гравиметрик тадқиқотлар билан йирик тектоник элементлар аниқлаштирилди.

Геология қидирув ишларида чўкинди қобиғининг чуқур геологик тузилишини ва тектоникасини ўрганиш учун асосий геофизик усул сифатида сейсморазведка қўлланилади. Дастлабки босқичда, геофизика ишларининг асосий усули сифатида, сейсморазведканинг қайтган тўлқинлар ва синган тўлқинлар усуллари амал қилган.

1970 йилдан бошлаб ҳозирги кунда ҳам Бухоро-Хива ҳудудининг катта қисмида сейсморазведканинг умумий чуқурлик нуктаси усули (УЧНУ) қўлланилмоқда. Геология қидирув ишларида 2002 йилдан бошлаб эса ҳажмий сейсморазведка (УЧНУ-3Д) усули амалда қўлланила бошлади. Бухоро-Хива ҳудудининг бошқа зоналарига нисбатан Бешкент эгиклигида

нефть ва газ учун асосий излов объекти ҳисобланган карбонат формациясини катта чуқурликда жойлашганлигини, қалинлиги 1000 метрдан ортиқ бўлган туз-ангидрит формацияси билан қопланганлигини ҳисобга олган ҳолда, бу ҳудудда юқори аниқликка эга сейсморазведка усулини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Бобнинг кейинги қисмида углеводород ресурслари базасининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар берилган. Бешкент эгиклигида карбонат ётқизиклари жами 60 дан ортиқ майдонларда 350 тадан кўп қудуқларда (ишлатиш қудуқларидан ташқари) очилган. Бешкент эгиклиги ҳудудида Ғарбий Ўзбекистондаги йирик Шўртан газконденсат кони очилган, шу билан бирга бир қанча нисбатан кичик қуйидаги конлар ҳам очилган: Шимолий Нишон, Бешкент, Қамаш, Чўлқувар, Гирсан-Дивхона-Шимолий Гирсан, Шакарбулок, Шимолий Шўртан ва бошқалар. Қуйи юра ётқизиклари бўйича эса фақат Нишон структураси чуқур бурғилашга тайёрланган.

Маълумки, Бешкент эгиклигида бўр ётқизиклари излов ва қидирув қудуқлари билан мақсадли ўрганилмаган. Маҳсулдор ҳисобланган юра даври карбонат формацияси ва бўр ётқизиклари орасида флюид сақланиши учун тўсиқ ҳисобланган қалин (бир неча юз метр) туз-ангидрит қатламининг мавжудлиги, бурғилаш жараёнида нефть ва газ белгиларининг йўқлиги, Бешкент эгиклигидаги баъзи майдонларда (Айзоват, Шимолий Қамаш, Шўртан), шунингдек ёндош районлардаги бир қанча майдонларда (жумладан, Денгизкўл нефтьгазли райони) қатламни синаш натижасида углеводород оқимлари олинмаганлиги бу ҳудудда бўр ётқизиклари нефть ва газга истиқболсиз деган хулосани келтириб чиқаради.

Бухоро-Хива ҳудуди жануби-шарқий қисмидаги юра даври терриген ётқизикларининг нефть ва газга бўлган истиқболи кўплаб тадқиқотчилар томонидан назарий жиҳатдан исботланган, аммо қудуқларни бурғилашда карбонат ётқизикларида мавжуд бўлган аномал юқори қатлам босими юра терриген ётқизикларининг геологик тузилиши ва нефтьгазлилиги ҳақида ишончли маълумот олишга тўсқинлик қилган. Шунинг учун, юра даври терриген формацияси навбатдаги юқори истиқболга эга излов объекти ҳисобланади. Ушбу комплекс, асосан, олтингугуртсиз газ захираларини оширишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда Бухоро-Хива ҳудуди жануби-шарқий қисмида карбонат ва туз-ангидрит формациялари геологик тузилиши ва улардаги узилмалар бузилишларнинг углеводород уюмларининг шаклланишига таъсири етарлича ўрганилмай қолмоқда. Бир қанча майдонлар ва конларнинг структура планлари мавҳумлигича қоляпти. Бундай ҳолат ҳозирги кундаги мавжуд структуралар фонди билан нефть ва газ захиралари ўсишини таъминлаш имкониятини бермаяпти.

Диссертациянинг «**Эталонли объектлар гуруҳи учун карбонат ва туз-ангидрит формациялари структура планларини локал миқёсда муфассаллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида ҳудуднинг литолого-стратиграфик тавсифи, жумладан карбонат ва туз-ангидрит формацияларини

батафсил тавсифи; ҳудуднинг тектоник тузилиши хусусиятлари ва уларнинг қисқача тавфсифи; эталонли объектлар сифатида танланган конларнинг геологик моделлари ёритилган.

Юра даври терриген ва карбонат ётқизикларининг стратификацияси Ғ.С. Абдуллаев, Х.Х. Миркамалов ва бошқалар маълумотлари (2004–2017) асосида бажарилган. Юра ётқизикларининг юқори мажмуаси палеогеографик зоналаштириш бўйича учта асосий зоналарга бўлинган.

Риф турида фациал хусусиятлари бўйича парагенетик боғлиқ бўлган Ўртабулоқ ва Кушаб свиталари ажратилади. Ўртабулоқ свитаси (100–200м) массив, биоморф-чакиқ оҳактошлардан иборат бўлиб, шаклланишда асосий риф қурувчилари – кораллар ва сув ўтлари муҳум аҳамиятга эга бўлган.

Кушаб свитаси (0–180м) риф ва уларни ўрнини босадиган бошқа жинслар билан боғлиқ бўлган тоғ жинсларидан таркиб топган. Асосан, плиткали, сув ўтли ва детритли ҳосилалардан ва зич микрозаррали оҳактош қатламчаларидан иборат.

Депрессион тури Ходжаипак свитасидан ташкил топган бўлиб, микроқатламли, сланецли, 50% гача гилли, битумли ва юқори гамма фаолликка эга, ўртача қалинлиги 8–10 метргача бўлган оҳактошлардан иборат.

Лагуна тури Гардара свитасидан иборат бўлиб, қўштабақалилар ва фораминиферлар қолдиқларидан иборат оҳактош ва ангидритларнинг қатқатланишидан (60–200м) иборат.

Ўрганилаётган ҳудуднинг юра даври ётқизиклари шартли равишда титон ярусига (фауна қолдиқлари йўқлиги сабабли) ва мос равишда Гаурдак свитасига тегишли бўлган кимёвий (хемоген) чўкиндилар қатлами билан яқунланган. Бешкент эгиклигида, Чоржўй поғонасининг бошқа қўплаб майдонларидаги каби туз-ангидрит формацияси 5 қисмли тузилишга эга. Ўрганилаётган ҳудудда бу пачкалар бир - бири билан яхши таққосланади. XV горизонт оҳактошлари устида, геологик амалиётда «қуйи» ангидрит деб номланган ангидрит пачкаси жойлашган. Бу пачка ёрқин-кулранг, кулранг ва тўқ-кулранг зич, мустаҳкам, ёпиқ кристалли, қантсимон, баъзан дарзли ангидритлардан иборат. Пачканинг юқори қисмида тош тузи, қуйи қисмида эса – юпка оҳактош қатламчалари учрайди. Бешкент эгиклигининг депрессион қисмида «қуйи» ангидрит қалинлиги жуда ўзгарувчан бўлиб 65 дан 255м гача учрайди. Шу билан бирга, унинг энг катта қалинлиги биогерм мажмуалари ривожланган участкаларга тўғри келади.

Юқорида «қуйи» туз деб номланган пачка ётган бўлиб, у шаффоф, оқ, кристалли, ангидрит қатламчали галитдан иборат. Ундан юқорида «ўрта» ангидрит пачкаси ётган бўлиб, оқ, кулранг, мустаҳкам, кристалли, дарзли, туз қатламчалари ҳам учрайдиган, қалинлиги 25 м гача бўлган ангидрит қатламидан иборат. «Ўрта» ангидрит устида «юқори» туз пачкаси бўлиб, шаффоф, оқ, зич, дарзли кристалл галитдан иборат. Унинг қуйи қисмида ангидрит қатламчалари учрайди ва бу пачкага қизғиш-қўнғир тус беради.

Титон яруси ётқизиклари ўзига хос сульфат-терриген жинслари горизонти саналган, «юқори» ангидрит деб номланган пачка билан яқунланади. Бу пачка қўнғир, кулранг ангидритдан иборат бўлиб, унда тўқ-кулранг ва қизғиш гил қатламчалари ҳам учрайди.

Юра ва бўр даври ётқизиклари орасидаги чегара ўтиш зонасида фауна йўқлиги сабабли шартли ўтқизилган. Диссертант бу чегарани «юқори» ангидрит қатлами юзасидан ўтказган, яъни, титон ярусининг туз-ангидрит қатлами ва неокомнинг қизғиш чўкиндилари орасидан.

Бўр ётқизиклари таркибида қуйи ва юқори бўлимлар ажратилган. Қуйи бўр ётқизиклари неокомнинг субаквал шароитда пайдо бўлган қизғиш терриген жинсларидан (63–657 м), апт (23–106 м) ва албнинг (88–456 м) денгиз шароитида ҳосил бўлган кулранг терриген жинсларидан таркиб топган. Юқори бўр бўлими сеноман (78–356 м), турон (56–455 м) яруслари ва сенон (489–580 м) надъярусининг юпқа оҳактош ва мергел (X ва XI горизонтлар) қатламлари учрайдиган, денгиз шароитида ҳосил бўлган терриген тоғ жинсларидан иборат.

Диссертант Бухоро-Хива худудининг тектоник тузилиши хусусиятларини ҳам таҳлил қилган. Бухоро-Хива худудининг тектоник тузилишини турли йилларда А.А. Абидов, Т.Л. Бабаджанов, А.Г. Бабаев, Ш.Д. Давлятов, Г.Х. Дикенштейн, Н.Я. Кунин, Э.В. Лебзин, А.Х. Нугманов, А.О. Рижков, А.Н. Симоненко, Б.Б. Таль-Вирский каби кўплаб тадқиқотчилар ўрганишган. Бу худудда асосий тектоник элементлар сифатида Бухоро ва Чоржўй поғоналари ва уларни чегараловчи флексура-узилмали зоналар ажратилган, яъни: Амударё, Учбош-Қарши, Қизилқумолди, Зарафшонолди, Караил-Лангар, Чироқчи. Тадқиқот райони ҳисобланган Бухоро-Хива худудининг жануби-шарқий қисми тектоник жиҳатдан Турон платформасидаги Амударё синеклизасининг шимолий-шарқида жойлашган. Бу худуддаги тектоник структуралар шимолий-шарқ йўналишидаги тектоник бузилишлар билан мураккаблашган, бундай тектоник бузилишлар ёнида чўзиқ тектоник структуралар – валлар (Қамаши, Нишон ва б.) жойлашган бўлиб, улар бу худуднинг нефтгазлилигини белгилаб бериши исботланди.

Диссертант тадқиқот районининг турли участкаларидан эталон объектлар сифатида танланган Гирсан–Дивхона–Шимолий Гирсан, Чўлқувар, Қамаши, Шимолий Нишон, Шеркент, Эрناзар ва Таваккал конлари бўйича карбонат ва туз-ангидрит формацияларининг структура планлари локал миқёсда муфассаллаштирилди ва уларнинг шимолий-шарқ йўналишидаги регионал тектоник узилмалар билан боғлиқлиги ўрганилди.

Натижада, Бешкент эгиклигидаги конлар гуруҳида, бурғилаш маълумотлари асосида, туз-ангидрит формацияси қуйи қисми ва карбонат формациясида узилмали бурмаларнинг носимметрик чўққилари мавжудлиги исботланди.

Диссертациянинг **«Карбонат ва туз-ангидрит формациялари структура планларини узилмали бузилишлар тизимига регионал**

боғлаш» деб номланган учинчи бобида шимолий-шарқ йўналишидаги регионал узилмалар бузилишлар тизими; карбонат ва туз-ангидрит формациялари структура планларининг регионал хусусиятлари; Бухоро-Хива ҳудуди жануби-шарқида карбонат формациясида нефть ва газ шаклланиши шароитлари келтирилган.

Нефть ва газ уюмлари пайдо бўлиши ва шаклланишида узилмаларнинг роли икки хил позицияда қисқача тавсифланган. Биринчи позиция тарафдорлари, барча углеводородлар мантиядан узилмалар орқали юқорига кўтарилиб, ўз йўлида учрайдиган тутқичларнинг ғовақ қатламларида тўпланади, деган фикрни илгари сурадилар. Бу муаллифлар, барча нефть ва газ конлари жойлашувини узилмалар билан боғлайдилар. Иккинчи позиция тарафдорлари эса тектоник узилмаларни нефть ва газ уюмлари билан билвосита боғлиқлигини таъкидлайдилар. Унга кўра, узилмалар қатламларнинг филтрация – сиғим хусусиятларига таъсир кўрсатишини, бунда юқори ўтказувчан зоналар пайдо бўлишини, кўпроқ чўзиқ структуралар пайдо бўлишини таъкидлаган ҳолда, бундай зоналарда узилмалар билан мураккаблашмаган зоналарга нисбатан структурали ва бошқа тутқичлар зичроқ жойлашишини таъкидлайдилар. Ўрганилаётган ҳудудда карбонат ва туз-ангидрит формациялари структура планларини тузиш натижасида 5 та шимолий-шарқ йўналишидаги регионал узилмалар ажратилди. Шу билан бирга, регионал узилмалардан ташқари локал узилмалар ҳам ажратилган бўлиб, уларнинг баъзилари регионал узилмалар билан боғланган, бошқаларининг эса умуман боғлиқлиги йўқ.

Шундай қилиб, Бухоро-Хива ҳудуди жануби-шарқида шимолий-шарқ йўналишидаги регионал узилмалар тизими, улар билан боғлиқ бўлган карбонат ва туз-ангидрит формацияларининг структура планлари қайд этилди.

Ўрганилаётган ҳудудда, шимолий-шарқ йўналишдаги регионал узилмалар зонасида сурилма (кўтарилма) мавжудлиги, ундаги маҳсулдор горизонтлар тушган блокдаги туз-ангидрит формацияси билан тўсилган ва тектоник тўсилган уюмлар пайдо бўлганлиги исботланди. Унга кўра, кўтарилган блокларнинг нефтьгазга истиқболи юқорилиги асосланди ва геология қидирув ишларининг йўналишларини белгилашда бу хусусият ҳисобга олиниши лозимлиги таъкидланди.

Шимолий-шарқ йўналишидаги регионал узилмаларга тегишли бўлган барча конлар ва истиқболли майдонларда карбонат ва туз-ангидрит формациясининг қуйи қисмида узилмаларнинг носимметрик чўққилари башорат қилинди.

Бешкент эгиклигидаги валларда нефть ва газ уюмларининг шаклланиши нефть ва газнинг дифференциал тутилиши услубига тўлиқ мос келиши исботланди.

Нефть ва газнинг дефференциал тутилиши услуби россиялик геолог С.П. Максимов ва канадалик геолог В. Гассаулар томонидан бир вақтда таклиф этилган. Бу ҳолат, газни тутқичдан нефтни сиқиб чиқара олиш

хусусияти билан боғлиқ. Газнинг зичлиги нефтникига нисбатан кичиклиги ҳисобига газ нефть уюмининг юзасига кўтарилиб, кейинчалик тутқичдан нефтни сиқиб чиқаради. Бешкент эгиклигининг юра ётқизиқлари структуралари умумий йўналишдаги қатор локал бурмаларни бирлаштирган чизиқли кўтарилган хусусиятга эга. Бухоро-Хива худудининг ўрганилаётган қисмида ҳам Қамаш ва Нишон каби валлар ажратилади. Юра ётқизиқларида нефть ва газ уюмларини жойлашиш шароитларини асослаш учун «газ–сув», «газ–нефть», «нефть–сув» туташ чегараларини ўзгариши бўйича схематик тарздаги кесимлар тузилди. Бундан кўринадики, вал бўйлаб локал структуралар занжир шаклида жойлашган, шимолидаги структура жанубдагидан гипсометрик жиҳатдан юқорида жойлашган. Қамаш валидаги Гирсан–Дивхона–Шимолий Гирсан, Акназар, Чўлқувар ва Қамаш конлари – газконденсат, Янги Қоратепа, Қоратепа, Феруза конлари – нефтьгаз ва нефть. Шундан келиб чиқадики, Бешкент эгиклигидаги валларда жойлашган нефть ва газ уюмларининг тарқалиши нефть ва газнинг дифференциал тутилиши услубига тўлиқ мос келади. Демак, эгикликнинг жанубий қисмида юра ётқизиқларида, асосан, газ уюмлари, марказий қисмида – нефтьгаз, гипсометрик жиҳатдан юқорида жойлашган шимолий қисмида нефть уюмлари тўпланган.

Диссертациянинг «Углеводород ресурслари базасининг локал ва регионал структура планларини аниқлаштириш ҳисобига шаклланиши» деб номланган тўртинчи бобида углеводород захираларини янги аниқланган қатлам ҳисобига ошириш; регионал ва локал структура планларини аниқлаштириш ҳисобига углеводород захираларини ошириш истиқболлари; геология қидирув ишларини ўтказиш услуби ва кейинги йўналишлари илмий асосланган.

Диссертант карбонат формациясининг элементи сифатида гамма – фаол пачкани (ГФП) батафсил таҳлил қилган. ГФП икки қисмдан иборат бўлиб, улар «устрица – аммонитли горизонт» (УАГ) деб номланувчи оҳактош пачкаси билан ажратилган. УАГ кесимида литологик турдаги нефть уюми мавжудлиги, қуйи гамма – фаол пачка (ГФП-2) кондаги газконденсат уюми сақланиши учун тўсиқ бўлиб хизмат қилиши исботланди. Шунингдек, УАГ биогерм учрамайдиган худуддан биогерм худудига томон қийиқланади ва литологик турдаги нефть уюмини пайдо қилади.

Олинган натижалар жамланиб, УАГ кесимида углеводород уюмларининг намунали модели ишлаб чиқилди.

Бухоро-Хива худуди жануби-шарқий қисми учун нефтьгазлилиқ истиқболи харитаси тузилди. Бу харитада флюид тури бўйича ўрта зона ажратилган: жанубий – газли; марказий – газнефтли; шимолий – асосан нефтли. Шу билан бирга, бу харитада тектоник тўсиқли ва гуруҳли тутқичлар билан боғлиқ уюмлар очилишига истиқболли худудлар ажратилган. Ўрганилган худудда флюид тури бўйича уюмлар тарқалиши чегараларини аниқлаш учун газ, газнефть ва нефть уюмларини жойлашиш схемаси иккита

вал учун тузилган. Флюид тури бўйича зоналарни ажратиш нефть ва газ уюмларини дифференциал тутилиши услубига асосланган.
